# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar. 01.04 – РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

## ҚОДИРОВ ҚУВОНЧ БЕКМУРОДОВИЧ

# МУСТАКИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ (1991–2011 ЙИЛЛАР)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 342 (575.1)

# Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

# Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам

# Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on history sciences

Колинов Курони Бакмуноловии

| Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ички ишлар идораларининг фаолияти (1991–2011 йиллар)  | 3  |
|--|----|
| Кодиров Кувонч Бекмуродович Деятельность органов внутренних дел в Узбекистане в период независимости (1991–2011 года)                      | 23 |
| Qodirov Quvonch Bekmurodovich History of activity of the organs of internal affairs in Uzbekistan in the years of independence (1991–2011) | 43 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works   | 47 |

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tar. 01.04 – РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

## ҚОДИРОВ ҚУВОНЧ БЕКМУРОДОВИЧ

# МУСТАКИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ (1991–2011 ЙИЛЛАР)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tar166 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (http://ik-tarix.nuu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| -   |   |
|---|---|
| Илмий рахбар:   | Юнусова Хуршида Эркиновна<br>тарих фанлари доктори  |
| Расмий оппонентлар:   | Обламуродов Наим Халимович<br>тарих фанлари доктори, профессор  |
|   | <b>Ганиев Шерзод Алишерович</b> юридик фанлар доктори   |
| Етакчи ташкилот:  | Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси<br>Харбий-техника институти  |
| тадкикот институти хузуридаги илмий даракенгашнинг 2019 йил «» с Тошкент шахри, Мирзо Голиб кўчаси, Ў | иллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмийажалар берувчи DSc. 27.06.2017. Таг. 01.04-рақамли Илмий соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Узбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21,(99871) 246-02-24; университети) |
|   | Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шахри,   |
| Диссертация автореферати 2019 йил   | «» куни тарқатилди.   |
| (2019 йил «»  | дагирақамли реестр баённомаси).   |
|   |   |
|   |   |
|   |   |
|   | А.А. Маврулов   |
|   | Илмий паражанар барурци инмий канган  |

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

Д.Ж. Ўроков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н. доцент

Г.А. Агзамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

### КИРИШ (докторлик (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон микёсида кечаётган глобаллашув жараёнларида ғоявий, мафкуравий ва информацион кураш, жахон иктисодий инкирози, ишсизликнинг ортиб бориши, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий қарама-қаршиликларнинг халқаро тус олаётганлиги, оммавий норозиликлар, минтақавий можаролар, ички низоларнинг кучайиб бораётгани давлатлар хавфсизлигини таъминлаш масаласига эътиборни кучайтирмокда. Бу, ўз навбатида, давлат механизмининг асосий бўғинларидан бири бўлган полициянинг давлат бошқаруви ва фукаролар хавфсизлигини таъминловчи орган сифатидаги ўрни ва ролини кучайтириб бориш заруратини оширади.

Жамоат тартиби ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, фукароларнинг хукук ва эркинликларини химоя килиш борасидаги мавзуларда дунёнинг бир катор ривожланган олий ўкув юртлари ва илмий марказларида изланишлар олиб борилмокда, жумладан, умумназарий жихатдан полиция органларнинг замонавий демократик жамиятдаги ўрни ва роли, функциялари, тизими ва услублари, полиция фаолиятида халқаро тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, юкори менежмент технологиялар, умумий принциплар асосида малакали мутахассислар тайёрлаш, халқаро жиноятчилик, айникса унинг уюшган шакллари давлатлар ривожи ва хавфсизлигига жиддий тахдид солишига қарши ҳаракатларда полициянинг роли каби устувор йўналишларда тадкикотлар олиб борилмокда.

Республикамизда ички хавфсизликни таъминлаш, ахолининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, фукароларнинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқи, эркинлиги, қонуний манфаатлари ва барқарор тараққиётини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилиш борасида ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди. «Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида янги дастур ва режалар амалга оширилмокда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгармокда. Биз келажакда эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратишимиз керак» 1.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўтрисида»ги конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўтрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фукаролар хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини ишончли химоя килишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўтрисида»ги ПФ-5005-сон, фармонлари,

5

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳабул ҳилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: http:// xs.uz (Халҳ сўзи, 08.12.2017).

2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга чора-тадбирлар доир ташкилий тўғрисида»ги ПК-2883-сон, 2017 йил 1 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини жамоат хавфсизлигини саклаш ва таъминлаш сохасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2940-сон, 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги ПК-3216-сон карорлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларнинг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғликлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг І. «Демократик ва хукукий жамиятни маънавий-ахлокий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофик бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу мавзуга оид тадқиқотларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳда жаҳон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг тарихи, унинг ташкилий тартибга солинишига оид масалалар хорижлик олимларидан М.И.Еропкин, Н.А.Шёлоков, Р.С.Мулукаев, Н.И.Ильинский, С.Н.Наматбаев, А.М.Муҳамедов, А.У.Джакишев, П.С.Хвичия, А.Ш.Розикзода, Судзуки Ёсио, Ф.Мауро, Р.Р.Роберг, А.Коҳн, С.Валкер, Г.Шуманн ва бошқаларнинг ишларида учрайди.

Ўзбекистон милициясининг давлат бошқарув тизимидаги фаолиятини XX асрнинг 70-йилларида тадқиқ этган А.Атаджанов, Т.А.Джалилов, X.Алимовларни шу давр олимларига киритиш жоиз.

гурухга Ўзбекистон Иккинчи мустакиллиги йилларида ўтказилган тадкикотларни киритиш мумкин. Бунда хукукшунослардан 3.Гулямов, Б.А.Арифджанов, А.А.Сатаров, А.А.Самандаров, Н.Б.Шоимов, М.Д.Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов, Ю.С.Пўлатов, И.Исмоилов ва бошкалар ўз илмий қарашларини баён этганлар.

1991–2011 йиллар оралиғида мазкур соханинг кўп йиллик амалиётчи ходимларидан У.Таджиханов, Ғ.Рахимов, Б.Ғ.Сиддиқов, М.Бобоев, О.Соатов, И.Юсупов, К.Давлатов, М.Абдуллаев, М.Тиллаевларнинг асарларида **ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ** олиш қарши фукаролар ОЛДИНИ ва унга кураш, осойишталигини таъминлашда ўз хиссаларини қўшган ички ишлар органлари ходимлари ҳақидаги маълумотлар берилган.

Учинчи гурухга тарихчилардан мавзуга оид дастлабки тадкикотларни ўтказган Н.Таумуратовнинг «История милиции Каракалпакстана в период восстановления национальной государственности (1917-1936 гг.)» мавзусидаги номзодлик диссертацияси (1999) ва А.Ерметовнинг «Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни

 $<sup>^{1}</sup>$  Бу ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

(1918-1924 йиллар)» мавзусидаги номзодлик диссертацияларини (2006) келтириб ўтиш мумкин.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари Ўзбекистон ички ишлар органлари тарихининг айрим жиҳатларига бағишланган бўлиб, уларда мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижалари, миллий қонунчилик нормалари ва мазкур соҳа фаолиятининг тарихий жиҳатлари илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда монографик тарзда тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадкикот ишлари режаси билан боғликлиги. Мазкур тадкикот Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси илмий-тадкикот ишлари режасининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш» номли комплекс тадқиқоти доирасида бажарилган.

**Тадкикотнинг максади** ички ишлар органлари фаолиятининг боскичмабоскич ривожланиши масалаларини тарихий ёндашувлар асосида очиб беришдан иборат.

## Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда ички ишлар органларининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини хамда истиклол арафасидаги ахволни ретроспектив тарзда очиб бериш;

тадқиқот даврида ички ишлар органларида ўтказилган ислоҳотларнинг босқичларини таҳлил қилиш ва ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни ўрганиш;

ички ишлар органлари учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги мавжуд ҳолат ва унда тизимли асосда амалга оширилган ўзгаришлар жараёнини тадқиқ этиш;

сержантлар тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши холатини тахлил этиш;

фукароларнинг хукук ва эркинликларини химоя килишда ички ишлар органларининг жамоат бирлашмалари билан хамкорлигини ёритиш;

ўрганилган тажрибаларни умумлаштирган холда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун илмий, амалий таклиф ва хулосалар бериш.

**Тадкикотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг боскичма-боскич ривожланиш жараёни белгилаб олинди.

**Тадкикотнинг предметини** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилган ислоҳотлар, айрим хорижий мамлакатлар полицияси тизимидаги қонунчилик амалиёти ҳамда тарих фанида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқий-юридик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, хронологик каби усулларидан фойдаланилди.

### Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг тараққиётига рахна солаётган тахдидларнинг олдини олишда, фукароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашда ички ишлар органларининг фаолияти тарихий босқичлар асосида ўрганилган;

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган даврда ички ишлар органлари жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактикасига қаратилганлиги тадқиқ этилган;

ички ишлар органларининг фукароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фукаролик жамияти институтлари билан якин ҳамкорлиги натижасида ички ва ташқи ҳавф-ҳатарлардан маҳаллий ва минтақавий даражада ҳимояланишни амалга оширганлиги илмий асослантирилган;

Тошкент олий милиция мактаби Ички ишлар вазирлиги Академиясига айлантирилиши натижасида ички ишлар органлари учун ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рахбар кадрлар захирасини шакллантириш ва жой-жойига қуйиш тизими оптималлаштирилганлиги очиб берилган.

### Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарорлар, йўрикномалар ҳамда низомларнинг ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга таъсир этган омиллари аниқланди;

тарих фанида тан олинган методология ва фанлараро ёндашувлар асосида XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги зиддиятли муаммоларни тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлар аниқланди;

Ўзбекистоннинг 1991–2011 йиллар тарихи бўйича дарслик ва ўкув кўлланмалари тайёрлашда ушбу тадкикот материалларининг фойдали жихатлари кўрсатиб берилган;

Хорижий давлатлар (АҚШ, Япония, Германия, Франция, Хитой, Россия) полиция тизимининг илғор тажрибаси ва ўзига хос жиҳатлари қиёсий таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларини тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадкикот натижаларининг ишончлилиги тадкикотни ўтказишда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларидан кенг фойдаланилганлиги, тадкикот натижалари конунчилик нормалари, илғор хорижий тажриба, умум эътироф этган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинганлиги, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдикланиб амалиётга жорий этилганлиги билан тасдикланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида олинган

натижалардан ушбу йўналишдаги методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиши билан изохланади.

**У**збекистон Диссертация натижаларининг ахамияти, амалий Республикасида ички ишлар органлари фаолияти тўгрисидаги маълумотлар ва илмий хулосалардан «Ўзбекистон тарихи», «Ўзбек давлатчилиги тарихи», «Жаҳон тарихи», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий хукук», «Ички ишлар органларида бошкарув асослари» каби фанларни ўкитишда, Ўзбекистон Республикасининг 1991–2011 йиллар даври тарихи буйича илмий тадкикотлар утказишда, таълим муассасалари, ИИВ қўлланмалар лицей ўқувчилари учун дарслик ва фойдаланиш мумкинлигидир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган даврда ички ишлар органлари жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактикасига қаратилганлигига оид маълумотлардан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги гувоҳномаси. Рўйхатга олиш рақами: 133-202). Ушбу дарслик олий таълим муассасалари талабалари ва академик лицей ўқувчиларининг мамлакат тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш борасидаги тушунчаларга эга бўлишига имкон беради;

ички ишлар органларининг фукароларни ўзини ўзи бошкариш органлари фукаролик жамияти институтлари билан якин хамкорлигига маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги музейининг органлари мустақиллик йилларида» номли 3-бўлимини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар 2019 йил 10 мартдаги 2/927 вазирлигининг сонли далолатномаси). Натижаларнинг қўлланилиши ёшларда мустақиллик йилларида ички ишлар органларида амалга оширилган ислохотларни ўрганиш хамда хукук тартиботни таъминлаш борасида жамоатчиликнинг ролини кучайтиришга доир билим ва кўникмаларини янада оширишга хизмат қилади;

Тошкент олий милиция мактаби Ички ишлар вазирлиги Академиясига айлантирилиши натижасида ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг захирасини шакллантириш борасидаги ислохотларига оид таклиф ва тавсиялардан Ёшлар иттифоки Марказий кенгаши фаолиятида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоки Марказий кенгашининг 2019 йил 12 мартдаги 04-13/1175-сонли далолатномаси). Қўлланилган натижалар ички ишлар органлари учун малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

**Тадкикот натижаларининг апробацияси.** Тадкикот натижалари 10 та илмий амалий анжуманда, жумладан 2 та халкаро ва 8 та республика микёсидаги конференцияда синовдан ўтган.

Тадкикот натижаларининг эълон килиниши. Диссертация бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та макола (улардан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон килинган.

Диссертациянинг хажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертациянинг тадкикот кисми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети белгиланган, тадкикот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий ахамияти асосланган, тадкикот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича тегишли маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Мустакиллик йилларида ички ишлар тизимидаги ислохотларнинг ўзига хос номланган. Ушбу бобда Ўзбекистонда ички ишлар органлари шаклланиши ва ривожланишининг тарихий боскичлари хамда мустакиллик йилларида мазкур тузилмадаги ислохотларнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

Диссертациянинг «1980–1990 йиллар бошида Ўзбекистондаги криминоген вазиятни келтириб чиқарган омиллар» деб номланган биринчи параграфида 1980-йиллар Ўзбекистон милицияси учун жуда қийин давр бўлганлиги ёритилган. Жумладан: «...Иттифок Ички ишлар вазирлиги томонидан ўз тартибини ўрнатишга яна бир марта уриниб кўрди. Жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланадиган органлар тарқатиб юборилди, штабларнинг ахамияти ва вазифалари камайтирилди, кўплаб милиция рахбар ходимлари, шу жумладан ўз ишига садокатли ва тажрибали ходимлар ишдан бўшатилди, тарқатиб юборилди»<sup>1</sup>. Ушбу жараён КПСС (Совет иттифоки коммунистик партияси) Марказий Комитетининг 1983 йил 16 мартдаги «Ички ишлар бўлимларини ходимлар билан мустахкамлаш чоралари тўгрисида»ги қарори<sup>2</sup> ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу хусусдаги қарори туфайли юз берганлиги қайд этилади.

1984-89 йилларда **У**збекистонга Шунингдек, Марказ 231 нафар «мутахассис» юборди. Улар асосан рахбарлик лавозимларига тайинланди. Шу вакт ичида ички ишлар бўлимларининг сафларидан 3000 дан ортик махаллий ходимлар бўшатилди. Уларнинг кўплари айби исботланмаган бўлса-да жиноий

<sup>2</sup> Ўз.Р. ИИВА, Р.21. й/ж 18; 13-в.

 $<sup>^{1}</sup>$  Алматов 3. Халқ хизматида (кириш сўзи ўрнида) // Халқ хизматида 75 йил. — Т.: Ўзбекистон, 1992. — Б. 17.

жавобгарликка тортилди. Республика ички ишлар органларининг ҳеч қандай айби бўлмаган бир қанча раҳбар ходимлари қисмати ҳам шундай бўлди. Бу эса пировард натижада республика ички ишлар органлари ходимлари касб маҳоратининг пасайиб кетишига, бинобарин жиноятчиликка қарши кураш натижаларига салбий таъсир қилганлигини кўриш мумкин эди 1.

«Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда жиноятчиликнинг аҳволи ва хавфсизлик масалалари» ушбу бобнинг иккинчи параграфида кўриб чиқилган. Жумладан, 1990-йиллар бошларида бир қанча уюшган жиноятчи гуруҳлар Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари аҳолисига зулм ўтказиб келгани аниқланган эди. Биргина Тошкент вилоятининг ўзида 1134 кишидан иборат 341 та жиноий гуруҳ фаолият юритарди. Энг йирик жиноий гуруҳларга «Блеф», «Салоҳ», «Влад», «Разин», «Дамир», «Атаман» лақабли шаҳслар етакчилик қилишарди. Улар томонидан жами 617 та жиноят содир этлииб, 18 таси қотиллик, 26 таси ҳаётга тажовуз, 108 таси талон-тарожлик ва босқинчилик эди.

Бу даврга келиб Республика хукукни мухофаза килувчи органларининг қонуний асослари тўлик шаклланмаганлиги, яъни Божхона, Чегара кўшинлари, Мудофаа, хавфсизлик Прокуратура, Суд, Миллий тўғрисида хужжатлар қабул қилинмаганлиги сабабли, республика чегараларини мустахкамлаш ва қўриклаш ички ишлар органларига топширилиб, хар 200 километр масофага 30 га якин чегара постлари куйилди, хар бир постга уч нафардан ички ишлар ходими хизматга жалб этилди.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мустақилликнинг биринчи йилидаёқ айрим турдаги энг оғир жиноятлар кучайганини кўриш мумкин. Жумладан, 1991 йилда 1990 йилга нисбатан 9,7% га камайган қотиллик жинояти 1992 йилда 1,7% га кўпайди. 1992 йилда вояга етмаганлар жиноятчилиги 1990 йилга нисбатан 13,7% га, рецидив жиноятчилик эса 7,8% га ошди. 1991-1992 йилларда жиноятчиликнинг умумий микдори асосан ўгрилик жиноятлари хисобига ошганлигини кўриш мумкин. 1992 йилда 1990 йилга нисбатан давлат ва жамоат мулкини ўгирлаш 30% га, шахсий мулкни ўгирлаш эса 8,9% га ўсди<sup>2</sup>.

Шундай мураккаб бир вазиятда ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида хам нуксон ва камчиликлар кўзга ташлана борди. Биргина 1991 йил давомида ички ишлар органлари ходимлари устидан жами 221 марта шикоят хати ёзилган эди<sup>3</sup>. Оддий ва рахбар ходимлар орасида порахўрлик 13,5 фоизга кўпайганлигини кузатиш мумкин эди.

«Мустақиллик йилларида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотларнинг асосий босқичлари» деб номланган учинчи параграфда барча соҳаларда бўлгани каби ички ишлар органларида ҳам ислоҳотлар босқичмабосқич ўтказилганлиги кузатилади. Дастлабки босқич 1991—2001 йилларни қамраб олади. Бунда, 1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси

 $<sup>^{1}</sup>$  Алматов 3. Кўрсатилган асар. – Б. 18.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Ички ишлар органлари: ислохотлар ва истикболлар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 37.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Ўз.Р. МДА, М.37, Р-1. й/ж 143; 1-в.

Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантириш тўғрисида»ги қарори зълон қилинди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши ички ишлар органлари фаолиятининг қонуний асосларини янада Шунингдек, **У**збекистон Республикаси мустахкамлади. 1993 йилда тўғрисида»<sup>2</sup> Президентининг «Уюшган жиноятчиликка қарши кураш Республикаси «Узбекистон ички органларини мустахкамлаш ишлар тўгрисида»<sup>3</sup> қарорлари қабул қилиниши, ҳамда «Ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби хақидаги вақтинчалик Низоми»нинг тасдиқланиши республикада жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг янги сахифасини очиб берди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган бир қатор қўпорувчилик ҳаракатлари хавфсизлик масаласига жиддий ёндашувни талаб этди. Шу боис, 1999 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларни бошлаб берди.

Ислохотларнинг кейинги босқичи 2001 йил 27 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан бошланди. Фармонга мувофик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ички ишлар вазирлигининг бир қатор хизматларини ислоҳ қилиш бўйича олтита устувор қарор қабул қилди.

Амалга оширилаётган ислохотларга қарамай Республикадаги вазиятни бекарорлаштиришга, мамлакат мустакиллигини, фукароларнинг тинч хаётини издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар давом эттирилди. Жумладан, 2004 йил 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шахри, Тошкент вилояти хамда Бухоронинг Ромитан туманида содир этилган террорчилик харакатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фукаро халок бўлди. 2004 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги фармони, 2004 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида Ички ишлар органлари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш чоралари тўгрисида»ги қарори қабул қилинди<sup>4</sup>. Мазкур карорга асосан Ички ишлар вазирлиги Академияси кошида ички ишлар органлари фаолиятининг деярли барча сохалари учун мутахассислар тайёрлайдиган 6 ойлик Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар хамда жойларда уларнинг малакасини ошириш марказлари тузилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами. – 1991 й, – №10. – 36-модда.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Ўз.Р. МДА, М.37, Р-1. й/ж 14; 44-в.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. – 1996. –№ 11. – 378-м.

<sup>&</sup>lt;sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. – 2004. – № 9. – 358-м.

2007 йил 25 октябрь – ички ишлар органлари ходимларининг касб байрами **У**збекистон Республикасининг Биринчи Президенти хизматчиларига байрам табригини йўллаб: «Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз, мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик наркобизнес хавф-хатар солмокда. Бундай бало-қазоларга қарши курашиш ва зарба бериш ички ишлар органларига тегишли барча хизматлардан аник ва хамжихатликда харакат қилишни, хар бир ходимдан ўз хизмат бурчини масъулиятли чукур хис этган холда, халол адо этишни талаб килади» – деб таъкидлади<sup>1</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлаш тизими ва унинг йўналишлари» деб номланиб, унда истиклолнинг илк йилларида мамлакат таълим тизимида мавжуд бўлган холат тахлил этилди. Ўзбекистон таълим даргохлари кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири эди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов «...Республикамизда илм-фан ва таълим сохасининг моддий техник базаси, кадрлар таркиби ачинарли холга тушиб колган, ...максадимиз олий ўкув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини кайта куриш, республикага юкори малакали миллий мутахассис кадрлар етиштириш лозим»², — деб таъкидлаган эди. Натижада, ижтимоий хаётнинг деярли барча сохаларида, жумладан, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш сохасида хам ислохотлар жараёни чукурлашиб борганлиги кайд этилади.

Ушбу бобнинг «Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида тайёрланадиган мутахассисларга бўлган янгича талабларнинг чиқилиши» деб номланган биринчи параграфида ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлайдиган маълумотли даргохларда ўзгаришлар боскичма-боскич амалга оширилганлиги кўрсатилган. Жумладан, ички ишлар органлари ва тизимлари учун кадрлар тайёрлаб берадиган ўкув муассасалари дастлаб Ўзбекистон тасарруфига ўтказилгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги 447-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва Урта махсус милиция мактаблари негизида Ички ишлар вазирлиги Академияси ташкил этилгани ёритилган.

Академия тарихида унинг дастлабки 10 йиллик фаолияти (1994—2004) самарали бўлганлигини алохида қайд этиш керак. Шу вақт ичида Академия профессор-ўкитувчилари 30 та дарслик, 70 та маърузалар курси, 150 та ўкув кўлланма, 259 та ўкув-методик кўлланма, 129 та намунавий дастур, 42 та монография, 13 та луғат, 11 та илмий-оммабоп рисола, 9 та хрестоматия, 5 та ахборот бюллетени, 1 та энциклопедияни ёзиб, нашр эттирдилар<sup>3</sup>. Бундан ташқари, Академия илмий жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 10 га якин кодексларига илмий-амалий шархлар яратди.

\_

 $<sup>^{1}</sup>$  Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри. – Т. Хабарнома № 4. (Пресс-бюллетень). – 2007. – окт. нояб. дек.

 $<sup>^{2}</sup>$  Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -T.: Ўзбекистон, -2011.-17 б.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси: 10 йил: Маълумотнома/ Масъул муҳаррир проф. У.Таджиханов. –Т.: «Академия» ноширлик маркази, – 2004. – 336 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 23 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ички ишлар мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилиши Академияда ўтказилган ислохотларнинг навбатдаги боскичига туртки берди. Жумладан, 2005 йилда таркибида махсус таълим йўналишлари хисобланган малака ошириш ва рахбар кадрлар тайёрлаш тизими ташкил этилди.

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби (хозирги Ёнғин хавфсизлиги институти) Республика Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 11 августдаги 404-сонли қарорига асосан, собиқ иттифок Ички ишлар вазирлигига қарашли Ёнғиндан сақлаш олий техник мухандислиги мактабининг Тошкент факультети хамда Тошкент ёнғин-техника билим юртлари негизида ташкил этилган эди.

1990-йиллар бошларида олий техник мактабнинг моддий базасини алохида бино ва уй-жой корпуси, 16 та махсус кабинет ва 7 та лаборатория, ўкув ўт ўчириш қисми ташкил этган. Илмий салохиятнинг асосини атиги 27 нафар фан номзоди ташкил этган бўлиб, улардан 15 киши доцент ва катта илмий ходим унвонига эга эди. Мактабда 1993-2008 йиллар давомида 6677 нафар мутахассис етиштириб чиқарилди, улардан 3945 нафари ёнғин хавфсизлиги мухандислари, 2483 нафари ёнғин хавфсизлиги техниклари, 211 нафари «Қўриқлаш» хизмати учун техниклар бўлган.

Республикаси Вазирлар «Ўзбекистон **Узбекистон** Махкамасининг Республикаси ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори<sup>2</sup> асосида мактабда Ёнғин хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш бўйича Илмий-тадқиқот маркази ташкил қилинди. 2005 йилдан бошлаб Олий мактабда магистратура тизими бекор қилинди ва 5 йиллик тулиқ олий таълимга эга бўлган «Ёнғин хавфсизлиги» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш бошланди.

Республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ўкув юртларидан бири – Тошкент Олий Харбий техника билим юрти (хозирги Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси харбий-техника институти) эди. Унинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Коровул қушинлари, Куролли Кучлари хамда бошқа хуқуқ-тартибот органларига юқори касб махоратига эга харбий офицер кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланадиган, давлат хавфсизлигини таъминлаш борасида мухим вазифаларни бажаришга қодир бўлган кадрлар етказиб бериш вазифаси юклатилган. Билим юртида «Ички ишлар вазирлиги қўшинлари тактик ишлар вазирлиги қўшинлари тактик-тарбиявий қўмондонлиги», «Ички қўмондонлиги», «Жазони ўташ режимини ташкил этиш (юриспруденция)», «Ички ишлар корхоналарида техник назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш мухандислиги», «Аникловчи ва кўрикловчи электрон тизимлардан фойдаланиш техник мухандислиги» мутахассисликлари бўйича офицер кадрлар тайёрланган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, – 2006. – № 46-47. – 458-м.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. – 2004. – № 9. – 358-м.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билим юрти фаолиятида алоҳида аҳамият касб этди. Шунингдек, Олий ҳарбий техника билим юртининг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича маҳсус дастур тасдикланди. 2006 йилда Тошкент олий ҳарбий билим юртида ихтисослаштирилган моделлаштириш ва симуляция маркази барпо қилинди ва ундан ўқув-тарбия жараёнларида самарали фойдаланиб келинди. Тадқиқот даврида билим юртидаги 11 та кафедрада 24 нафар фан номзоди иш олиб борган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида «Ички ишлар органлари кадрлар тизимида таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши: сабаб ва натижалар» ўрганилди. Ички ишлар органлари кадрлар тизимида таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилишига асос Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўтрисида»ги Фармони бўлган. Мазкур фармонга биноан Ички ишлар вазирлиги Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилди.

Шунга кўра Олий курсларда патруль-пост, йўл-патруль, ички ишлар органлари кўриклаш хизмати фаолияти, жазони ижро этиш муассасаларидаги фаолият, хукукбузарликларнинг олдини олиш, хорижга чикиш, кириш ва фукаролик, ёнгин хавфсизлиги хизмати йўналишлари учун сержант ходимлар тайёрлана бошланди. Умуман олганда, 2010 йил бошига келиб, республика Ички ишлар вазирлиги тизимининг мазкур йўналишлари бўйича 7600 га якин сержантлар иш фаолиятларини олиб борган.

Тошкент шахар, Тошкент, Самарканд, Фарғона вилоятлари ички ишлар бошқармалари оддий ва кичик бошлиқлар таркибини дастлабки тайёргарлик ўкув марказлари негизида 2006 йил апрель ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва марказлари ташкил этилди. Уларда малакасини шидишо сержантлик эгаллаш уч ой ўқитилиб, «ички ишлар лавозимини учун органлари мутахассиси» квалификацияси берилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Ички ишлар вазирлиги тизимига тегишли бир қатор ОЎЮда олиб борилган ташкилий-тузилмавий, моддий, илмий-тадқиқот ва ўкув-услубий ишлар давр талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Мутахассисларга янгича талаблар қуйилиб Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида етук кадрлар тизимини шакллантириш ва шу орқали мамлакат хавфсизлигини таъминлаш чоралари курилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Мустакиллик йилларида ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш омиллари» деб номланиб, унда Ўзбекистонда жиноятчиликнинг аҳволи ва ички ишлар органлари

\_

 $<sup>^{1}</sup>$  Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // Хукуқ – Право – Law. – 2004. – № 4. – С.80.

томонидан унга қарши курашиш чоралари ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик масалалари ёритилди.

«Узбекистонда жиноятчиликнинг холати ва ички ишлар органлари томонидан унга қарши курашиш чоралари» деб номланган биринчи параграфи бир қатор статистик ва илмий маълумотлар асосида тадқиқ этилди. Жумладан, Узбекистонда жиноятчиликка қарши кураш жараёни икки босқични босиб ўтди. Биринчи босқич — 1991 йилдан 2000 йилгача давом этди. Бу энг мураккаб давр бўлиб, айниқса истиклолнинг илк йиллари хукуқбузарликлар энг юқори нуқтага етган вақт хисобланади. Иккинчи давр — 2001 йилдан 2011 йилгача давом этган. Бу даврнинг хусусияти, авваламбор, мамлакатда олиб борилаётган суд-хуқуқ тизимини эркинлаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш рухияти билан изоҳланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида жиноятчиликка қарши кураш кескин тарзда кечди. Биргина Тошкент шахар Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан 1993 йилнинг ўрталарига қадар «Қопқон», «Ўргимчак», «Тўр», «Чақмоқ», «Лабиринт», «Довул», «Тун», «Таран», «Корадори», «Ғамхўрлик», «Ертўла», «Ўсмир», «Ойна», «Комплекс» номлари билан ўтказилган тадбирлар натижасида уюшган жиноятчи гурух аъзолари билан бирга, рецидивистлар, жиноят содир этишга мойил шахслар, дайдилар, ичкиликбозлар ва бошқалар рўйхатга олинган. Турли жиноятларни содир этган ўсмирлар ички ишлар бўлимига келтирилган. 1993 йилнинг фақат бир ойи давомида ўтказилган комплекск тадбир натижасида 1317 нафар шахс жиноят содир этгани учун қўлга олинган. Натижада 1411 та жиноят очилган, 15697 нафар қоидабузар аниқланиб, маъмурий чоралар кўрилган, 27372 нафар судланган шахснинг турмуш тарзи текширилиб, 1043 нафари фойдали мехнат билан шуғулланмаётгани аниқланган.

Шу даврда ички ишлар органлари ходимлари ҳам ўз хизмат фаолиятида кўплаб қийинчиликларга дуч келди. Айниқса, жиноятчиларнинг хизмат вазифасини бажараётган милиция ходимларига қаршилик кўрсатгани, ҳужум қилиб ҳаётларига тажовуз қилган ҳолатлари ҳам кузатилди. 1993 йилда биргина Жиззах вилоятида фуқаролар томонидан милиция ходимларига нисбатан 81 марта ноқонуний хатти-ҳаракат содир этилди. Шулардан 20 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди. Бешта ҳолат бўйича жиноятчилар 2 йилдан 8 йилгача турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Шу билан бирга, бу даврда ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг етарли эмаслиги ҳам давр ҳусусияти ҳисобланади.

Шунга қарамай, ички ишлар органлари ходимлари томонидан 1998 йилда 10 нафар «жиноий обрўманд», 75 нафар жиноят оламининг «йўлбошчиси», 572 нафар шахсдан ташкил тоган 142 та уюшган гурухнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. 1999 йилда эса 193 та уюшган гурухнинг фаолияти фош килиниб, шу гурухларда жиноий фаолият билан шуғулланган беш нафар «жиноий обрўманд», 150 нафар жиноятчилик дунёсининг «йўлбошчиси» ва 767 нафар аъзолари жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, 2000 йилга келиб уюшган

гурухлар сони 179 тага камайишига қарамай икки нафар «жиноий обруманд», 182 нафар жиноят оламининг «йулбошчиси», 797 нафар уюшган гурух аъзоси қонун олдида жавоб берди<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда энг кўп жиноятларни қайд этиш 2000 йилга тўғри келади. Жумладан, ўша йили диний экстремистик фаолият билан боғлиқ 1083 та жиноят иши қўзғатилган, 1595 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Улардан 1 та автомат, 9 та пистолет, 11 та граната, 2 та портловчи қурилма, 677 дона ўқ-дори, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши мазмундаги 25800 та варақа, 9109 та рисола, 112 та видео ва 645 та аудио кассета олинган. 2756 нафар шахс турли экстремистик рухдаги оқимларга кирганлиги аниқланган, улардан 1832 нафар «хизбут-тахрир» оқимига, 873 нафари эса «ваҳҳобийлик» оқимига алоқадор бўлган².

1995–2000 йилларда гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомалада бўлиши билан боғлиқ 40288 та жиноят рўйхатга олинган бўлса (ҳар бир йилга ўртача 6700 дан тўғри келган), 2001 йилда 9005 та жиноят қайд этилган. Бу жиноятларни очиш натижасида 11,5 тонна наркотик моддалар мусодара қилинган³. Умуман олганда, республикада 2003 йилга қадар 30 мингга яқин гиёҳвандлар рўйхатга олинган, уларнинг 50% ини вояга етмаганлар ва ёшлар ташкил этган. Наркотик мастлик ҳолатида жиноят содир қилган вояга етмаганлар сони ортиб борган. 1998 йилда бундай шахслар жами жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 6% ини, 1999 йилда 6,5% ини, 2000 йилда 9% ини, 2003 йилда 12% ини ташкил қилган⁴.

Республикада 1998 йилгача ОИТС касаллигига чалиниш холати атиги 51 марта қайд этилган бўлса, 1999 йилнинг ўзида 25 та ана шундай холат аниқланган. 2000 йил охирида бундай беморлар сони 197 тага етди, 2001 йилнинг тўққиз ойи мобайнида бу рақам 585 нафарни ташкил қилди, улардан 39 нафари вафот этди $^5$ .

XX аср охирларидан глобал хусусият касб эта бошлаган ва Ўзбекистон учун янги бўлган жиноятлардан бири одам савдоси жиноятидир. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар Ўзбекистонда янги аср бошига келиб авж ола бошлади. Жумладан, 2004 йилнинг 9 ойи давомида 145 нафар шахсга нисбатан 125 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йил 180 та, 2007 йилда 194 та, 2008 йилда эса 273 тани ташкил қилган. 2009 йил давомида тергов қилинган бу турдаги жиноят ишларини ўрганиш шуни кўрсатдики, улардан жабрланганлар жами 1124 нафар шахснинг асосий қисми шахвоний

\_

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> *Соттиев И.А.* Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг жиноий-хуқуқий чоралари: Юрид.фан.номз... дис. автореф. – Т., 2002. – Б. 3–4.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Соттиев И.А. Ўша жойда. Б. 4.

 $<sup>^3</sup>$  Утения 308 М.К. Вояга етмаганлар гиёхвандлигининг олдини олиш муаммолари: Юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2004. – Б. 9.

<sup>&</sup>lt;sup>4</sup> *Абдувалиев А.* Проблемы борьбы с наркобизнесом и наркоманией в Республике Узбекистан // Гиехвандликка карши кураш; назарий ва амалий (ижтимоий-хукукий жихатлар) мавзусидаги халкаро илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2002. Б. 54; Яна каранг: Информационный бюллетень о наркоситуации (Центрально-Азиатский регион) организация по безопастности и сотрудничеству в Европе. Изд. «Узинком-Центр» – Т., 2003. – С. 41.

 $<sup>^5</sup>$  Яковлева К. Век уходит, чума остаётся // Правда Востока. 2000. 30 ноябр.; Яна қаранг: Голубкина Т. Неутешительный прогноз // Правда Востока. 2001. 1 декабрь.

ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ёлланиб, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликларига олиб чиқиб кетилган<sup>1</sup>.

